

## I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ


Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг январь-декабрида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 18735,7 млрд. сўмни ташкил этди ва 2018 йилга нисбатан ўсиш суръати 106,8 фоизга тенг бўлди.

2019 йилнинг январь-декабрь ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 116,9 фоизни ташкил қилди.

### Январь-декабрь ойларида Қорақалпоғистон Республикаси ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби

	млрд.сўм		2018 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
	2018 йил	2019 йил	
<b>I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами</b>	<b>15009,4</b>	<b>18735,7</b>	<b>106,8</b>
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	13775,7	17005,9	106,8
Маҳсулотларга соф солиқлар	1233,7	1729,8	106,8
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>13775,7</b>	<b>17005,9</b>	<b>106,8</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	4005,9	4642,2	106,7
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	5295,2	6701,5	108,4
саноат	4328,4	5277,9	105,0
қурилиш	966,8	1423,6	123,8
Хизматлар	4474,6	5662,2	104,9
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	755,7	876,7	102,8
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	929,4	1021,4	104,5
бошқа хизматлар	2789,5	3764,1	105,6

**Ялпи худудий махсулотнинг тармоқлар  
бўйича таркиби январь-декабрь ҳолатига  
(жамига нисбатан фоизда)**




2019 йилнинг январь-декабрь ойларида Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётининг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯХМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг ўсиш суръати - 106,7 % (ЯХМ таркибидаги улуши 27,3 %), саноат (қурилишни қўшган ҳолда) - 108,4 % (39,4 %) ҳамда хизматлар тармоғи - 104,9 % (33,3 %).

**Январь-декабрь ойларида Қорақалпоғистон Республикаси ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби, жамига нисбатан фоиз ҳисобида**

	жамига нисбатан фоиз ҳисобида		ўтган йилга нисбатан фарқи, (+;-)
	2018 йил	2019 йил	
<b>I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>x</b>
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	91,8	90,8	-1
Маҳсулотларга соф солиқлар	8,2	9,2	1
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>x</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	29,1	27,3	-1,8
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	38,4	39,4	1
саноат	31,4	31,0	-0,4
қурилиш	7,0	8,4	1,4
Хизматлар	32,5	33,3	0,8
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	5,5	5,2	-0,3
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	6,7	6,0	-0,7
бошқа хизматлар	20,3	22,1	1,8

## 2019 йилнинг январь-декабрида ЯХМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари



### Иқтисодий фаолият турлари

Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯХМнинг 90,8 фоизини, маҳсулотларга соф солиқлар эса, 9,2 фоизини ташкил этди.


*Ҳисобот даврида аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 9944,1 минг сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даври (8086,9 минг сўм)га нисбатан 5,2 фоизга ошди.*

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯХМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 1,8 фоизли пунктга (ЯХҚ таркибидаги улуши 27,3 %) камайди. Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғининг ЯХМ таркибидаги улуши 2019 йил январь-декабрида 39,4 фоизни ташкил этди ва 2018 йил мос даври (38,4 %) билан таққосланганда 1,0 фоизли пунктга ҳамда хизматлар соҳасининг ЯХМ таркибидаги улуши 33,3 фоизни ташкил этди ва ўтган йилниинг мос даври (32,5 %) билан таққосланганда 0,8 фоизли пунктга ошди.


Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯХМ таркибидаги улуши 5,2 фоизни (2018 й. - 5,5 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа - 6,0 фоизни, (6,7 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар - 22,1 фоизни (20,3 %) ташкил этди.

**Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймат таркиби**  
(жамига нисбатан фоизда):

**2018 йил**  
январь-декабрь



**2019 йил**  
январь-декабрь



- Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- Хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар